




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



SOME COMMENTS ON THE ACTIVITIES OF THE DIPLOMATIC MISSION HEADED BY N. IGNATEV

Akhmadjon Boymakhammatovich Kholikulov

head of the department, DSc, Professor
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: a.kholikulov@niu.uz

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, Bukhara, Kokan, Russian Empire, Britain, India, diplomacy, treaty, embassy, merchants, Nizhegorod fair.

Received: 29.05.24

Accepted: 31.05.24

Published: 02.06.24

Abstract: This article covers the negotiations between N. Ignatev, the head of the diplomatic mission of the Russian Empire, who arrived in Bukhara in September 1858, and Amir Nasrullo, the political situation in the period under study, Bukhara-Russian trade relations, and the creation of benefits for merchants.

Н.ИГНАТЬЕВ БОШЧИЛИГИДАГИ ДИПЛОМАТИК МИССИЯНИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ Ҳоликулов

кафедраси мудир, DSc, Профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: a.kholikulov@niu.uz

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Бухоро, Кўқон, Россия империяси, Британия, Хиндистон, дипломатия, шартнома, элчилик, савдогарлар, Нижегород ярмаркаси.

Аннотация: Ушбу мақолада 1858 йилнинг сентябрь ойида Бухорога етиб келган Россия империяси дипломатик миссияси раҳбари Н.Игнатьев ва Амир Насрулло ўртасидаги музокаралар, ўрганилаётган даврдаги сиёсий вазият, Бухоро – Россия савдо муносабатлари, савдогарлар учун имтиёзлар яратиш масалалари ёритилган.

НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДИПЛОМАТИЧЕСКОЙ МИССИИ ВО ГЛАВЕ С Н. ИГНАТЬЕВЫМ

Ахмаджон Боймахамматович Холикулов.

заведующий кафедрой, DSc, профессор

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E--mail: a.kholikulov@nii.uz

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Средняя Азия, Бухара, Кокан, Российская империя, Британия, Индия, дипломатия, договор, посольство, купцы, Нижегородская ярмарка.

Аннотация: В данной статье освещаются переговоры главы дипломатической миссии Российской империи Н.Игнатьева, прибывшего в Бухару в сентябре 1858 года, с Амиром Насрулло, политическая ситуация в изучаемый период, бухарско-российские торговые отношения, а также создание льгот для торговцев.

КИРИШ

Крим урушидаги мағлубият Россиянинг Европадаги капиталистик тараққиёт йўлига ўтиб олган Англия, Франция, Германия каби бошқа давлатлардан анча орқада қолиб кетганини яққол кўрсатди. Мағлубиятнинг сабаблари Россия хукмрон доиралари ўртасида атрофлича таҳлил қилиниб, империянинг қудратини янада кучайтириш учун кенг кўламли иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказиш зарурити туғилди. Бу ислоҳотлар Европадаги ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш, иқтисодий қолоқликка катта таъсир этиб келаётган крепостнойлик тузумини бекор қилиш, саноатни ривожлантириб, уни хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар излаш ҳаракати билан боғланиб кетди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихий-қиёсий нуқтаи-назардан мақолада тадқиқ қилинган ҳар бир воқеа, маълумот, унинг ривожланиши, ўзаро боғлиқлиги, ўтмиши, ҳозирги ва келажаги тамойилларидан келиб чиқиб тадқиқ этилган. Шундан келиб чиқиб, алоҳида биографик шахслар яъни Амир Насрулонинг геосиёсий, тарихий жараёнлар ва уларнинг доимий ўзгаришини ҳисобга олиб Н.Игнатьев бошчилигидаги элчилик миссиясига муносабатлари, хукмдорларнинг баъзи ҳолларда ташқи сиёсатда турли омиллар устунлигини ҳисобга олиб фаолият юритганлиги таҳлил қилинган.

XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижасида амирлик ташқи савдода иқтисодий жиҳатдан Россия бозорларига анчагина боғланиб қолади. Шу билан бир қаторда, Россияда саноатнинг ривожланиши хомашёга бўлган эҳтиёжнинг ортишига ва бунинг устига Америкадан олинадиган

пахтанинг тамоман тўхтаб қолиши, ўз навбатида Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро амирлигининг Россия саноати учун пахта базаси сифатидаги аҳамиятини ошириб юборади [10, – Б. 111-112.].

Ана шундай вазиятда вужудга келган иқтисодий манфаатлар Россия империяси сиёсий ҳамда савдо-саноат доиралари вакилларининг бутун диққат-эътиборини Ўрта Осиёга жалб қиласди [3, – С. 215.]. Бир тарафдан Россиянинг энг хавфли рақиби – Британия империяси шимолдан Ҳиндистон орқали хонликлар бозорларида ўзининг саноат маҳсулотлари савдосини кенгайтиради. Бу эса мос равишда хонликлар бозорларида инглиз маҳсулотларининг қўпайишига олиб келди [1, Р. 11-20.].

1842 йилдан бери бирорта ҳам Россия вакиллари Ўрта Осиёга хонликларига келмаган эди [11, – Б. 561-571]. Аввалги миссия вакиллари томонидан тўпланган маълумотлар ҳозирги талабларга жавоб бермаслиги, топографик маълумотларга эса, фақатгина Бухоро ва Хива шаҳарларига яқин қишлоқлар киритилганлиги, савдо ва сиёсий муносабатларда муҳим ўрин тутувчи Ўрта Осиёнинг бош қон томири бўлган Амударё ҳақида деярли маълумот йўқлиги, шу билан бирга, Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб бораётган савдо муносабатлари ҳам айтарлик яхши йўлга қўйилмаганлиги, рус савдогарлари аввалгидек, Ўрта Осиё бозорларига бемалол бора олмаслиги ва боргандарига ҳам ортиқча божлар солинаётганлиги, қулларнинг ушланиб қолиши ва бошқалар русларнинг диққатини ўзига тортмоқда эди [13, – С. 145-146.].

Амир Насруллонинг рус ҳукуматидан ўз вакилини Бухорога юборишини сўраган таклифи Россия ҳукмрон доираларининг хоҳишига тўлиқ мос тушади. Бухоро ҳукмрон доираларининг илтимосларига жавобан Россия ҳукумати 1858 йилнинг ёзида полковник Н.Игнатьев бошлиқ дипломатик миссияни юборади [5, – С. 42-82.; стр. 1-8.]. Аслида рус ҳукумати томонидан бу миссиянинг Бухорога юборилишининг асосий сабаби Бухоро ҳукмрон доираларининг илтимоси бўлмай, балки шу даврдаги сиёсий вазиятга боғлиқ эди. Бу вақтларда Россия Қозоғистон ерларини тамоман ўз таъсирига олиб, Ўрта Осиё хонликлари билан бевосита қўшни бўлиб қолган эди. Эндиликда Россиянинг хонликлар, жумладан, Бухоро билан олиб бораётган дипломатик муносабатлари муваффақиятли натижалар беришига у ерда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий аҳвол ҳамда хонлик тўғрисида мукаммал ва аниқ маълумотларнинг бўлиши анчагина таъсир этар эди [10, – Б. 113-114.].

Миссия бошлиғи Н.Игнатьевнинг 1858 йил 24 майда Осиё савдо департаменти директори генерал Ковалевскийга ёзган хатидан шу нарса англашиладики, унга берилган кўрсатмада амирликда олиб бориладиган музокараларда Бухоро ҳукумати Россиянинг шартларига рози бўладиган бўлса, Россия томони Бухоро элчиси Муллажон мирохур

илгари сурган таклифларни, биринчидан, Бухоро савдогарларига Россия империясининг деярли барча шаҳарлари ва ярмаркаларида ҳеч қандай тўсиқларсиз эркин савдо қилиши, иккинчидан, Нижегород ярмаркасида Бухоро савдогарлари учун маҳсус бир қанча дўконлар ажратиб берилишини ваъда қилиши, шунингдек, вазиятга қараб, Бухорага вақтинчалик рус савдо вакилини юбориш масаласи муҳокама қилинаётган вақтда миссия бошлиғи ўз навбатида Бухоро амирлиги ҳам Оренбургда ўзининг вақтинчалик савдо вакилини жўнатиши мумкинлигини таклиф қилиши керак эди [6, – С. 457-458.].

Полковник Н.Игнатьев миссиянинг ҳар бир аъзосига берилган топшириқлар хақида тўхталаракан, уларни қўйидагича баён қиласди: миссия бошлиғи сифатида ўзи хонликлар билан музокаралар олиб бориб, савдо шартномаси тузиши, агарда Бухоро амири ва Хива хонлари Россия билан яхши муносабатда бўлиб турсалар, Россия иложи борича уларни ташки хавфлардан ҳимоя қиласди, деган фикрни таъкидлаб ўтиши керак эди [9, – С. 25.].

Миссия аъзолари 1858 йилнинг сентябрь ойида Бухорага етиб келадилар. Амир Насрулло Қўқон хонлигига қарши навбатдаги юришда бўлганлиги сабабли, дастлабки музокаралар Абдулазиз тўқсоба билан олиб борилади [3, – С. 216.].

Н.Игнатьев амир билан учрашганда гапларининг нотўғри талқин қилиниши туфайли тушунмовчилик келиб чиқмаслиги учун Абдулазиз тўқсобага ўз номидан расмий равища Россиянинг талабларини ёзиб беришни таклиф қиласди. Абдулазиз элчининг таклифини амалга ошириш учун ўзининг котибини колдиради. Котиб томонидан Бухоро зарбхонаси бошлиғи ва рус таржимонлари иштирокида элчининг оғзидан императорнинг қўйидаги талаблари амирга етказиш учун ёзиб олинади:

1. Бухорода рус қулларининг бўлиши ўзаро дўстлик ва қадимдан давом этиб келаётган иқтисодий муносабатларга тўғри келмаслиги учун уларни озод этиш.
2. Рус савдогарларидан олинадиган божни тенг ярмига қисқартириш.
3. Бож олишда молларнинг таннархига нисбатан тўғри баҳолаш тизимини йўлга кўйиш.
4. Ҳар йили бир неча ойга, яъни рус савдогарларининг талаб ва истакларига қараб, савдо алоқалари олиб борилиши устидан назорат қилиб туриш ҳамда Бухоро ҳукумати орқали рус савдогарларининг ҳуқуқларини белгилаб туриш учун Бухорага вақтинчалик рус савдо вакилининг бемалол келиб-кетишига рухсат олиш.
5. Бухорода рус савдо вакили, савдогарлари ва уларнинг моллари учун, худди хиваликлар ва ҳиндларнинг алоҳида карвонсарайлари бўлгани каби, маҳсус карвонсарай ажратиш, ҳамда қулай шароитлар пайдо бўлиб қолган вақтларда, хомашё етиштириладиган жойнинг ўзидан пахта ва бошқа маҳсулотларни биринчи қўллардан сотиб олиш мақсадида

рус савдогарларининг Самарқанд, Кармана, Қоракўл ва бошқа шаҳарларга боришига рухсат этиш.

6. Россиядан Бухорога ва, аксинча, Бухородан Россияга юк ташиш учун Амударёда рус кемаларининг бемалол ҳаракатланишига рухсат этиш [9, – С. 212-214.].

Миссия бошлиғи Н.Игнатьев Абдулазиз тўқсоба билан олиб борган музокаралари давомида мазкур масалаларни баён қиласар экан, уларнинг икки давлат учун ҳам фойдадан холи эмаслиги, айниқса, Амударёда рус кемаларининг қатнашига рухсат этилиши бухоролик савдогарларга ҳам катта фойда келтириши, савдо йўлларининг қисқариши, карvon йўлларидағи қийинчиликларнинг камайиши ва натижада икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юксалишига олиб келишини жуда мукаммал қилиб тавсифлаб беради [9, – С. 214-215.].

Н.Игнатьевнинг Абдулазиз билан бўлган сұхбатида инглизларнинг Шарқдаги сиёсатига алоҳида ургу берилади. Элчи тўқсобага инглизларнинг Кўқондаги фитналари, Эрон ва Хитойга қарши тажовузкор урушлари, Ҳиндистонда инглизларга қарши кўтарилиган оммавий қўзғолонлар ва бошқалар ҳақида сўзлаб беради [3, – С. 216.].

Миссияга юкланган топшириқларга эътибор қаратадиган бўлсақ, баъзи масалаларни айтмаганда, 1841 йилдаги Бутенев дипломатик миссиясининг вазифалари [12, – Б. 726-730.] билан деярли ўхшашлигини кўриш мумкин.

Кўқон юриши Амир Насруллога катта ютуқлар олиб келмайди ва у Фарғона водийси бўсағасида жойлашган Хўжандни ололмайди [2, – Р. 58-68.]. 1858 йилнинг 11 октябрида пойтахтга кириб келиб, шу куннинг ўзида соат 4 да рус элчиси ва элчилик аъзоларини қабул қилади [6, – С. 55.]. Н.Игнатьев амирнинг қабулидан жуда мамнун бўлганлигини, ўзи ва котиби саройга отда кирганини, амир қўлинини сиққанини ва ҳатто расмий маросимлар тугагач, ўтиришга рухсат берганини ҳамда совуқ тушиб қолмасдан Россияга қайтиши лозимлигини илтимос қилганида, амир барча масалалар бўйича Абдулазизга мурожаат қилишини ва у орқали кечиктирмасдан ўзининг жавобини айтишини маълум қилганлигини қайд этиб ўтади [9, – С. 221-223.].

Амир Насрулло рус ҳукуматининг барча шартларини қабул қилади. Қуллар масаласи жуда осонлик билан ечилиб, амирнинг расмий қабули тамом бўлиши билан Амир Насрулло Бухородаги барча рус қулларини зудлик билан тўплаб, миссия ихтиёрига топширишни буюради. Н.Игнатьевнинг берган маълумотларига кўра, “бир қанча рус қуллари ўша куннинг ўзидаёқ тўпланилиб, миссия ихтиёрига топширилган эди. Ватанига қайтмоқчи бўлганларнинг ичida ўн битта рус фуқароси, ҳатто Бухоронинг мутазам қўшини сафида бўлган саккиз нафар рус фуқароси ҳам бор эди” [8, – С. 55.; – С. 225-226.].

Амир Насрулло Бухоро – Англияга муносабатлари юзасидан Петербург учун мухим позицияни танлайди. У бирорта ҳам инглиз элчиларини қабул қиласлик, ҳатто Афғонистон амиридан уларни Бухорога ўтказмаслигини илтимос қилиш ниятида эканлини айтади. Амирликда юрган Британия вакилларининг бирортаси амир томонидан ҳам, тўқсона томонидан ҳам қабул қилинмайди [3, – С. 217.].

Абдулазиз тўқсона 16 октябрь куни мисия бошлиги Н.Игнатьевга амир элчининг таклифларига ўз розилигини билдирганини ёзма равишда маълум қилади:

- а) Ҳақиқатан ҳам то шу кунгача Бухорога рус савдогарлари йилига бир ёки икки марта келаётганлиги ва улардан шариат қонун-қоидалари бўйича 10 фоиздан бож олинаётганлиги, энди эса ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида улардан 5 фоизлик бож олиниши;
- б) рус савдогарлари учун маҳсус битта карвонсарой ажратиб берилиши;
- в) рус савдогарларига Бухорода ҳомийлик қилиниши [7, – С. 55.];
- г) Бухорога вақтинчалик рус савдо вакилининг келишига рухсат этилганлиги;
- д) Амударёда рус кемаларининг бемалол қатнашига ҳам рухсат бериб, агарда Хива хони Россия кемаларининг Амударё бўйлаб Бухорога келишига тўсқинлик қилса, Бухоро амири рус ҳукумати билан биргалиқда хиваликларнинг бу тўсқинликларига қарши курашга тайёр эканлиги шулар жумласидандир [9, – С. 227-228.].

Элчилик 27 октябрь куни амир томонидан иккинчи бор қабул қилиниб, 30 октябрь куни кечки пайт Насруллонинг императорга ёрлиғи нусхаси ва вазирнинг Ташқи ишлар вазирига мактуби (авваллари ҳеч қачон бўлмаган) топширилади. Эртаси куни Н.Игнатьев бошчилигидаги дипломатик миссия Бухоро элчиси Нажмиддин тўқсона ҳамроҳлигига Россияга йўлга чиқади [7, – С. 57.] ва 6 декабрь куни Оренбургга етиб келади [9, – С. 154.].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, 1858 йили Бухоро амирлигига келган Н.Игнатьев бошчилигидаги дипломатик миссия ўз олдига қўйилган барча вазифаларни муваффақиятли бажарган эди. Бухоро Россия илгари сурган ҳамма таклифларни қабул қилиб, анча вақтлардан бери Россия ва Бухоро ўртасида дипломатик йўл билан ечилмасдан келаётган айrim, лекин Россия учун энг зарур бўлган масалаларга нуқта қўйилади. Н.Игнатьевнинг Осиё савдо департаменти директори Е.Ковалевскийга ёзган мактубидан рус ҳукуматининг Бухоро билан ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлаш борасида тавсия қилган таклифлари ҳар икки давлат учун ҳам тенг ҳуқуқли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида икки давлатнинг ҳам ўзаро иқтисодий алоқалардан манфаатдор эканликларини яна бир бор тасдиқлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Khalikulov, A. (2022). Some comments about the place of the Bukhara emirate in the geopolitical situation at the beginning of the 19th century. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 11-20.
2. Kholikulov, A. (2023). BUKHARA-KOKAND RELATIONS IN THE SECOND QUARTER OF THE XIX CENTURY. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(06), 58-68.
3. Гуломов Х.Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией ... – С. 215.
4. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С. 154.
5. Залесов Н. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 году. – Т. 91. – С. 421-474., – Т. 92. – С. 42-82.; Килевейн Е. Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о ханстве во время правления Сеид-Мохаммед Хана, 1856–1860 г. // ЗИРГО, – Вып. 5. – СПб.: Тип. В. Безобразова и К°, 1862. стр. 1-8.;
6. Залесов Н. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 году. – Т. 91. – С. 457-458.
7. Залесов Н. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 году // Русский вестник. Журнал литературный и политический, издаваемый М. Катковым. – Т. 92. – М.: В Университетской тип. (Катков и К°), 1871. – С. 55.
8. Залесов Н. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 году. ... – Т. 92. – С. 55.; Игнатьев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта, полковника Н. Игнатьева. – С. 225-226.
9. Игнатьев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта ... – С. 214-215.
10. Муҳаммаджонов А., Нематов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. ... – Б. 111-112.
11. Холикулов, А. (2021). Бухоро–Россия муносабатларида доир баъзи мулоҳазалар. Общество и инновации, 2(10/S), 561-571.
12. Холикулов, А. Б. (2024). БУХОРО АМИРЛИГИГА К. БУТЕНЕВ БОШЧИЛИГИДАГИ МИССИЯНИНГ ТАШРИФИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР. *Science and innovation*, 3(Special Issue 3), 726-730.
13. Шепелев А. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азию до начала XIX в. ... – С. 83.; Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С. 145-146.